



1336 йил Туркистонда тугилган ва буюк боскинчи Чингизхон билан кариндошликка даъво килган Амир Темур Марказий Осиё 1369 йилда мўгулларининг олий рахбари бўлди. Ўзининг пойтахти Самаркандда кўним топиб, у мусулмон динини қабул қилади ва бутун турк ва араб аҳолисини забт этиш ва шу тариқа аجدодлари империясини тиклашни орзу қилади. Турк ва Ғарб аҳолиси Тамерлан ёки Темур Ланг деб атайдиган Амир Темур араб ва турк йилномаларида "ўрда" деб аталадиган яхши ташкил этилган кўшинга эга бўлган. Амир Темурнинг мусулмон халқларига қарши олиб борган уруши 14-аср охиридан 15-аср бошларигача Усмоний турклари ҳужумига учраган Византияга нафас ростлаш учун имкон беради.

1397 йилда Олтин Ўрдани ўзига бўйсундириб, Волга бўйларини вайрон қилган Амир Темур Ғалаба билан Самаркандга қайтиб келди. Хинд ва Ғанг дарёсининг юқори қисмидаги мамлакатларга ёки Дехли султонлигига эғалик қилган Султон Махмуднинг мулкларини тортиб олиш иштиёқи билан ўзига заррача муҳлат бермай, яна кўшин йигиб, ўша йили Хиндистонга йўл олади.

Мўгулларнинг асосий қуроли Тамерланнинг отлик кўшини махсус нишон ва рангларга эга бўлган тузилмалардан иборат эди. Улардан баъзилари оғир қуролланган, бошқалари эса совут билан қопланган, енгил отликларни ташкил қилади. Унинг қучлари шунчалик кўп сонли эдики, улар баъзан бир неча юз минг кишига етарди. Бу енгилмас армия ташки кўриниши билан хайратга солади. Бундан ташқари, Тамерланнинг қонзўрлиги ҳақида овозалар ундан олдин юрарди: шафқатсиз қотилликлар туфайли юзага келган даҳшат унинг ҳақиқий қучидан қам роль ўйнамасди.

XIII асрда вужудга келган ва Мамлуқлар сулоласи ҳукмронлик қилган Дехли султонлиги ички низолар туфайли заифлашганди. Туглуқлар сулоласидан бўлган Султон Махмуд кўплаб мусулмон бекликларига бўлинган ҳудудга эғалик қиларди. Тамерлан мустаҳкам эътиқодли мусулмонга айланади; у ўз кўшинининг бундай узок юриш тарафдори бўлмаган мўгул ва туркман жангчиларини эзгу мақсад йўлидаги қурашда жалб этишни мақсад қилади. Нихоят, 1398 йил апрелида Марказий Осиёга етиб борган унинг кўшини Қобул ва Лахордан ўтиб, Хинд дарёсини кечиб ўтади ва 3 сентябрь куни Таламбага яқинлашади. 13 октябрь куни армия аҳолиси қул қилинган шаҳарни эгаллаб олди. Кейин,

бир неча хафта ичида, жуда хам бой Панжоб талон-тарож килинди.

Нихоят, Тамерлан Дехлига якинлашади ва мўғуллар учун беҳисоб бойликларга йўл очадиган шаҳарни камал килишни бошлайди. Султон Махмуд бир неча ўн минг кишидан иборат катта кўшин бошида ўз пойтахтини саклаб қолишга ҳаракат қилади. Тўқнашув 1398 йил 17 сентябрда содир бўлади. 120 та фил ва отлик аскар борлигига қарамай, Махмуд кўшини тезда душман кўшинлари қуршовида қолади. Мўғул отликлари дахшатга тушган ҳиндларни бутунлай мағлуб этишди. Мағлубиятга учраган Махмуд қочиб, Гужаратдан паноҳ топади. Дехли қулайди, унинг беҳисоб бойлиги таланади, 80 000 киши қатл қилинди, қолган аҳоли эса қулликка сотилди. Тамерлан маҳбуслар орасидаги барча ҳунаромандларни улугвор масжидлар қурилишида қатнашишлари учун ўз пойтахтига юборади.

Тамерланнинг ғалабаси билан Дехли султонлигининг мавжудлик даври тугайди ва унинг хотираси ҳиндлар қалбида тузатиб бўлмайдиган офат сифатида абадий қолади. Ғалаба натижасида мўғуллар бутун Шимолий Ҳиндистонни қамраб олган бой қиролликка эга бўлдилар. 1399 йил январда Тамерлан ўз юришини давом эттирди ва Жамнани вайрон қилди. 19 мартда у ўлжа билан Ҳинд дарёсидан ўтиб, босиб олинган ерларни бошқаришни ўз ноибларига қолдирди. Тинмас жангчи, Сурия ва Миср хўжайинлари мамлукларга қарши жангга боради ва 1400 йилда Ҳалаб шаҳри деворларига якинлашади.

Абу Муслим тайёрлади